

## Ҳадис дарслари (14-дарс). Муҳаммад алайҳисалломдан пайғамбарлик сифатлари ила содир бўлган суннатлар



15:02 / 03.01.2019 7793

### **Муҳаммад алайҳисалломдан пайғамбарлик сифатлари ила содир бўлган суннатлар**

Демак, сиз билан биз, мусулмонлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан Аллоҳ таолонинг Пайғамбари сифатида содир бўлган Суннатга (усули фикҳ уламолари истилоҳи билан айтганда, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган гап-сўз, амал ва таҳрирларнинг шариат аҳкомларига тегишлисига) эргашмоғимиз матлубдир. Бу ишни қилмаган киши гуноҳкордир.

Юқорида ўрганиб чиққан маълумотларимиз, хусусан, Имом Абу Муҳаммад ибн Қутайба ва аллома Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавий раҳматуллоҳи алайҳимларнинг тавсифларидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликни етказиш жараёнида содир этган Суннатлари ҳам иккига бўлинар экан:

## **1. Аллоҳ таолодан фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий қилинганлари**

Жаброил алайҳиссаломнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони карим оятларидан бошқа ваҳийларни ҳам келтириб турганликлари маълум ва машҳур. Ана ўша қисм ваҳийлар Суннат сифатида ворид бўлган. Бу хилдаги Суннатни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларга етказганлар. У зотнинг етказишдан бошқа ҳеч қандай дахллари бўлмаган. Бунга Имом Абу Муҳаммад ибн Қутайба «Аёл киши ўз аммаси ёки холаси устига никоҳланмас», деган ҳадисни келтирадилар. Бу ҳадис ваҳий бўлиб, унинг маъносини Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга етказганлар. У зот ўз навбатларида мусулмон умматига етказганлар ва ҳаётга татбиқ қилганлар. Мазкур ҳадис ворид бўлганидан бошлаб, ҳамма мусулмон эркалар учун хотинлари устига уларнинг қиз жиянини кундош қилиб олиш ҳаром бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, бу ҳукмдан фалончи истисно, деб айта олмаганлар.

## **2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий қилинмаган, балки у зотнинг ўзлари ижтиҳод этганлари**

Бундай нарсаларнинг асосий қоидаларини ва мақсадларини Аллоҳ таолонинг Ўзи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга баён қилиб берганидан сўнг у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ижтиҳодлари ила баён қилганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу борадаги ижтиҳодлари ҳам ваҳий ўрнида бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу қисмдаги Суннатда баъзи тасарруфотлар қилишга ҳақлари бўлган.

Мисол учун, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам эркак мусулмонлар учун ипак кийим кийишнинг ҳаром эканини баён этганларидан кейин Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу хасталиклари ипак кийишни тақозо этишини айтиб, изн сўраганларида, у кишига ипак кийишга рухсат берганлар. Агар бу ҳукм Жаброил алайҳиссалом келтирган ваҳий

бўлганида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон ўзларича рухсат бермаган, балки бошқа ҳолатлардаги каби, Аллоҳ таолодан бирор хабар келишини кутган бўлар эдилар.

Ҳадис китобларимизда келтирилган ривоятларнинг аксарияти ушбу – Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдан пайғамбарликни етказиш юзасидан содир бўлган Суннатга тааллуқлидир. Ислон шариатининг аҳкомларига тегишли барча нарсалар – ибодат, эътиқод, охират, одоб-ахлоқ, солиҳ амалга тарғиб қилиш, ёмонликлардан қайтариш каби ишлар шулар жумласига киради. Аллоҳ таоло Қурцони каримда:

«Расул сизга нимани берса, олинг ва сизни у зот нимадан қайтарса, қайтинг» деганда айни шу турдаги Суннатни қасд қилгандир. Бу ояти карима ва айни шу мацнодаги бошқа оят ҳамда ҳадислар ҳукмига биноан, ҳар бир мусулмон мазкур Суннатга амал қилишга мукаллафдир.